

ҚОРАТОВ ИНТРУЗИВИНИНГ ДАЙКАЛИ ҲАҚИДА

Мўминкулова Ноила Ғайратжон қизи
 Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети
 Геология ва муҳандислик геологияси факультети
 Фойдали қазилмалар геологияси ва қидирув
 разведкаси (кон турлари бўйича) йўналиши
 E-mail: lacotsepolo1999@gmail.com
 +99890 041 17 11


Аннотация: Қоратов интрузиви дайкаларининг моддий таркибини, геологик-петрографик, петрохимёвий ва геохимёвий томонлама аниқлаш ҳамда кичик интрузиялар ва дайка тузилмаларининг хусусиятлари, уларнинг минераллашуви каби билимларни янада кенгрок ёритишга асосланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, Дайкалар ва кичик интрузияларнинг моддий таркиби ва структуравий ҳолати, илмий ишларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни, уларни ҳар томонлама ўрганишга тақозо этади. Ушбу изланишлардан келгусида Ўзбекистон Республикаси Давлат Геология қўмитасининг экспедицияларида фойдаланиш мумкин.

Калит сўзлар: лампрофир дайкалар, моддий таркиб, структуравий ҳолат, тоғ жинслари, минерал композициялари, дайка комплекслари, генетик боғлиқлик.


Key words: lamprophyre dykes, material composition, structural condition, rocks, mineral compositions, dyke complexes, genetic correlation.

Кириш: Кўплаб чоп қилинган адабиётларда Қоратов интрузивининг олтиндор минтақаси (Изох ва б., 1975) ёки Сармич олтиндор минтақаси (Ўзбекистон геологияси., 1998) деб аталади. Бу минтақа Қоратов интрузивининг шимолий қисми бўйлаб Хонақадан (шарқда) Четтик интрузиви орқали ғарбга чўзилган бўлиб, Шимолий Зарафшон ер ёриғи билан бевосита боғлиқ (1-расм).



1-расм. Қоратов дайкали минтақасининг схематик кўриниши
 (Изох ва б., 1975)

Қоратов интрузиви Жанубий Нуротанинг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, қуйи палеозой чўкинди-метаморфик тоғ жинслари ва перм даврига мансуб гранитоидли комплексдан иборат (1-расм). Интрузив биотитли гранит ва лейкогранитлардан ташкил топган. Уларниг мутлақ ёши 270 ± 11 млн йилга (K-Ar) тенг.



**2-расм. Қоратов интрузивининг схематик геологик харитаси
(Ахунджанов, 1986)**

1 – мезо-кайнозой ётқизиклари, 2 – палеозой чўкинди-метаморфик ётқизиклари, 3 – кварцли ўрта ишқорли диорит (Қорамачит танаси), 4 – биотитли гранитлар (асосий фаза), 5 – лейкократли гранитлар, 6 – Сармич, гранит-порфир гантелсимон танаси, 7 – диоритли порфиритлар, 8-кварцли порфир (риолит порфир), 9 – гранит-порфир, 10 – спессартит, 11 – гранит-порфир.

Қоратов интрузивида кўплаб хар хил таркибли дайкалар тарқалган улардан диабазли порфиритлар, диоритли порфиритлар, лампрофирлар, тоналит-порфирлар, гранит - порфирлар, микродиоритлар, риолит-порфирлар кенг тарқалган (2-расм). Диоритли порфиритлар Қоратов интрузивининг эндо ва эгзо контактларида жўда кўп тарқалган бўлиб. қалинлиги 0,5 смдан 18 метргача кўришимиз мумкин. Гранит-порфир дайкалари Сармичсойнинг чап томонида жойлашган бўлиб, қалинлиги 15 м гача бўлган, баъзи жойларда 4-6 м гача, кенглик йўналиши бўйича 8 км гача чўзилган, характерли кварц томирлари зинапояли кўринишда кузатилади (3-расм).



3-расм. Сармичсойнинг ўнг қирғоғида чўкинди метаморфик жинслар ичидаги

Гранит порфир дайкасининг чиқиб ётиши (Жанубий Нурота)

Олимларнинг фикрича, дайкалар таркиб жиҳатдан ҳам ёш жиҳатдан ҳам бир-биридан фарқ қилади, гранит ҳосил бўлгунга қадар ва гранитдан кейинги даврларга мансуб дайкалар ажратилади. Ундан ташқари, маъданичи ва маъдандан кейинги дайкалар ҳам мавжуд. Уларни бир тизимга келтириш, турларга ажратиш ва маъдан ҳосил бўлишдаги ролини аниқлаш бугунги кунда долзарб масалалар қаторида турибди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аскарлов Ф.А., Бигаева А.Р., Сайдиганиев С.С. Абсолютная геохронология магматических формаций. - Т.: Фан, 1974. - 144 с.
2. Ахунджанов А. Генетические типы дайковых образований гор Каратау и их отношение к оруденению (УзССР) /Записки Узб. отд. ВМО. Т.: Фан, 1986. Вып. 39. – С. 144-149.
3. Ахунджанов Р. Генетические типы лампрофиров /Геология и минеральные ресурсы. 2013. № 5. С. 21-25.
4. Ишбаев Х.Д., Косбергенов К.М. Малые интрузии гор Каратау (Южный Нуратау) //Актуальные проблемы геологии, геофизики, петрологии и рудообразования. Материалы научно-технической конференции, посвященной 85-летию создания Института геологии и геофизики и 110-летию со дня

рождения академика Х.М.Абдуллаева. – Ташкент: Издательство ООО «Lesson Press», 2022. – Т. 1. С.97-103.

5. Косбергенов К.М. Дайка гранит-порфиров Сармичского рудного поля (Южный Нуратау) // Геология и минеральные ресурсы. - 2021. - № 1. - С. 3-6.

6. Косбергенов К.М., Ганиев С.С. Спессартиты Каратауского интрузива (Южное Нуратау) // Геология и минеральные ресурсы. - 2022. - № 2. - С. 18-23.

7. Формационный анализ гранитоидов Западного Узбекистана / Изох Э.П., Юдалевич З.А., Пономарева А.П. и др. Новосибирск: Наука, 1975. – 518с.